Ушбу сонда:
2 ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК
3 «САЛОМАТЛИК» РЕСПУБЛИКА СПАРТАКИАДАСИ
4 ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ УЧУН замонавий ўқув маскани



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 2 декабр, жума № 192 (2033)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЧОРВА МАҲСУЛОТИГА ХАРИДОР

***Навоий вилоятидаги «Нурота» наслчилик ширкат хўжалиги аъзолари кейинги йилларда чорвачиликни янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Жорий йилда қоракўлчилар қўй-қўзилар сонини 54 минг бошга етказди. Ҳар 100 бош совлиқдан 110 тадан қўзи олинди.***

Бу йил чорвадорлар қоракўл ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш ҳисобидан қарийб 300 млн. сўмлик даромад қилишни мўлжаллаяпти. Хўжалик аъзолари россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳозиргача уларга 3 минг 200 дона қоракўл тери ва 45,7 тонна жун маҳсулотлари етказиб берилди.

Хўжалик аъзолари бу йилги маҳсулотларни тўлиқ экспорт қилишни режалаштирган. Қоракўлчилар келгусида олинадиган фойда ҳисобидан чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини завод қуриш ва тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида меҳнат қилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқимизга зарур соғлом ва муносиб турмуш шароити яратиш, ҳамма фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ва мақсадли дастурлар доирасида фуқаролар соғлиғини сақлашни тубдан яхшилаш, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий ёрдам сифатини ошириш учун ташкилий ва амалий шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ врачлик пунктларини шакллантириш, касалликлар тарқалишининг олдини олиш тадбирлари изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда, бу ўз навбатида аҳоли турмуш тарзини сезиларли даражада соғломлаштириш имконини берди.***

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тизимида тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришга йўналтирилган тадбирларга ғоят муҳим аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг мансаб маошлари кўпайтирилди, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив шакллари жорий этилди.

Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари меҳнатини баҳолаш ва ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимини янада яхшилаш, улар олаётган иш ҳақи ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблик даражасига ва кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига аниқ ва бевосита боғлиқ эканини таъминлаш талаб этилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида ҳар бир тиббиёт ходимининг ўз профессионал савияси ва қобилиятларини доимий оширишга интилишига ундайдиган барқарор моддий манфаатдорликни яратиш зарур.

Қишлоқ шифокорининг кўп қиррали меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси қўйилаётган талаблардан жиддий орқада қолмоқда, бу эса ёш истиқболли мутахассисларни мазкур иш соҳасига жалб этиш ва муқим ўрнашиб қолишига имкон бермайди. Кичик тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларнинг айниқса ихтисослаштирилган стационар даволаш муассасаларидаги иш ҳақи миқдорлари уларга юкланган иш даражасига мос келмайди, натижада тиббиёт муассасалари ушбу ходимлар билан тўлиқ таъминланмаган.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантириш, уларнинг меҳнат ҳақи миқдорлари бажарилаётган ишнинг мураккаблик ва ўта масъулиятлик даражасига, кўрсатаётган тиббий ёрдам сифатига боғлиқлигини кучайтириш, шунингдек тиббиёт ходимларининг профессионал савияси ва малакасини узлуксиз ошириш учун рағбатлантириш омилларини яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тиббиёт ходимлари меҳнатига даволаш муассасаларининг ихтисослашув соҳаси ва ходимларнинг малака тоифасини ҳисобга олган ҳолда, кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

тиббиёт ходимларининг қишлоқ жойларда муқим ўрнашиб қолишини назарда тутган ҳолда, шунингдек ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида ишлайдиган кичик ва ўрта тиббиёт ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

шифокорларнинг шахсий ҳиссасига, ишларни оғир, ўта оғир ва соғлиқ учун хавфли меҳнат шароитларида бажаришига, шунингдек замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланган ҳолда ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар ташхиси ҳамда уларни даволашнинг замонавий усулларини эгаллаганига қараб шифокорларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш;

ўзининг профессионал бурчига содиқ бўлган ва малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган ходимлар меҳнатини холис баҳолаш ва рағбатлантириш борасида тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш ҳамда масъулиятини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

2006 йил 1 январдан бошлаб лавозимлар ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкалари, шунингдек уларга тузатиш коэффициентлар ўрнатилган ҳолда муассасалар гуруҳлари бўйича тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини амалда жорий этиш;

неонатолог шифокорлар, нейро, кардио ва микрохирурглар, иши юқумли касалликларни қўзғатувчи жонли микроорганизм ва вируслар билан боғлиқ бўлган лабораториялар, сил касаллиги, анестезиология, реанимация, интенсив терапия, патологик анатомия, рентген ва радиология бўлимлари тиббиёт ходимларининг мансаб маошларига устама ҳақ миқдорларини маошнинг 25-35 фоизи доирасида ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳар бир тиббиёт муассасасида Тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси негизида Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилади. Қуйидагилар ҳар бир тиббиёт муассасаси учун мазкур Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган қисми;

ҳомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек пулли даволаш ва хизматлардан тушадиган маблағлар;

(Давоми 2-бетда)

***Ҳар бир корхонанинг ўзига хос жиҳатлари, ютуқларининг омиллари бўлади. Ана шулар ҳақида гап кетганида Россия Федерациясидаги баъзи турдош корхоналар билан ҳамкорликни алоҳида тилга оламиз. Агар икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатлар яхши йўлга қўйилса, шартнома шартлари вақтида, кўнгилдагидек бажарилса ишонч ортади, эътиқод мустаҳкамланади. Қувонч ила таъкидлаш лозим, бу борада ишларимиз кутилганидек кетаяпти. Кўпгина металлар, двигател, станоклар ва бошқа кераkли жиҳозлар корхонамизга Россиядан келтирилади. Яқинда дўст мамлакатдан янги автобус, юк ташиш машинасини олдик. Россиялик мутахассислар вақти-вақти билан корхонамизга ташриф буюриб, фикр алмашиб туришади. Бундай ҳамкорлик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, муаммоларни вақтида ҳал этишга хизмат қилмоқда.***

Убайдулла Муҳаммедов. — Ўзбекистон билан Россия ўртасида имзоланган тарихий шартнома халқаро алоқаларда янгилик бўлди. Биз — узоқ йиллардан буён россияликлар билан ҳамкорлик қилиб келаётган корхона ходимлари икки мамлакат ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари энг ишончли, беғараз, беминнат ҳамкорлик эканлигига чуқур ишонамиз. Йиллар мобайнидаги ҳамкорликни синчковлик билан кузатиб, иттифоқчилик муносабатлари ўрнатишга икки томон бирдай интилди, ҳаракат қилди, деб дангал айтиш керак. Бунинг учун барча имконият бор эди. Чамаси Россия долзарб халқаро муаммоларга ёндошувда холис йўл тутаётганлиги бошқалар қатори Ўзбекистон эътиборига сазовор бўлмоқда.

Ўзим эса қуйидаги фикрларни билдиргим келади:

— Мутахассисларнинг эътироф этишларича, ҳозирги кунда Ўзбекистон Россиянинг асосий иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. Айниқса, энергетика соҳасидаги алоқалар тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ҳамиша яхши самаралар берган. Биз ҳам дўст мамлакатдаги ҳамкорлар билан алоқани мустаҳкамлаб, маҳсулот турини кўпайтириш, экспорт ҳажмини оширишга ҳаракат қилаверамиз.

## Ўзбекистон — Россия:
# ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

Корхонада 330 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Пировард натижа учун барча ўзини масъул деб билади. Яхши ишларимиздан яна бири ёш ишчилар оталиққа олинган. Аввало меҳнат фахрийлари, ихтирочи ва рационализаторлар бой тажрибалари, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун нималарга эътибор бериш кераклигини ёшларга қунт билан ўргатадилар. Касаба уюшма ташкилоти томонидан ўтказилаётган турли тадбирлар, кечалар кўпмиллатли жамоа ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамламоқда. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Шу ўринда касаба уюшма етакчиси сифатида бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Мустақиллик йилларида кишилар онги, шуурида катта ўзгаришлар рўй берди. Энди биз кечаги одамлар эмасмиз. Буни ишчи-хизматчиларимиздаги интилиш, иштиёқ, қатъиятлик ҳамда топширилган иш учун масъулият ҳиссининг ошганлигида кўраман. Бирон ходим кўмакка муҳтожлик сезса кўплашиб ёрдамга ўтамиз. Тўю маъракаларда бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз. Буларнинг ҳаммаси корхонада соғлом муҳитни юзага келтирди.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Маҳсулотлар Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Қўлигул ишчиларимиз томонидан тайёрланаётган насослар ўзининг пишиқлиги билан ажралиб туради. Уларнинг тури қирққа яқинлашганлиги ҳам изланиш изчил давом этаётганидан далолат.

Ишчи ва хизматчиларимиз Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома имзолангaнлигидан чексиз қувондилар.

— Давр ўзгариб, геосиёсий ва бошқа манфаатлар кучайиб боргани сари давлатлар ўртасида муносабатлар ўрнатишда ҳамкорликнинг янги қирралари намоён бўлмоқда, — дея ўз фикрини ифодалади бош муҳандис

**Б.СОДИҚОВ,**
**Тошкентдаги «Сувмаш» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси**





# ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

### ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ “ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ” КОЛЛЕЖИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СПАРТАКИАДА ЯКУНИГА ЕТДИ

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш ва ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада бир неча ҳукумат қарорлари қабул қилинган бўлиб, аҳолининг кенг қатламларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам улуши катта бўлмоқда. Меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоячиси саналмиш касаба уюшмалари ижтимоий ҳимоялаш билан бир қаторда оммавий спортни тарғиб этишга катта аҳамият бермоқда. Шундан бўлса керак, вакилларимиз жаҳон ареналарида ҳам юрт шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Дилшод Мансуров, Александр Доктурашвили, Дамир Захриддинов, Равил Начаев, Баҳодир Султоновлар жаҳон, қитъа ва олимпиада ўйинларида совриндорлар сафидан жой олганликлари бежиз эмас. Айниқса, тўрт марта олимпия ўйинлари иштирокчиси, жаҳон чемпиони Оксана Чусовитина эришган ютуқлари мақтовга сазовор.***

Куни кеча олис Австралиядан хушхабар келди. Биз спорт гимнастикаси маликаси Оксана Чусовитинанинг жаҳон чемпионати баҳсларида кумуш медални қўлга киритганини эшитиб, яна бир карра фахр-ифтихор нашъу намосидан баҳраманд бўлдик.

Ҳа, "Саломатлик" спартакиадаси давом этаётган паллада ушбу хушхабар кўнгилларни тўлқинлантириб юборди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Олимпия заҳиралари" коллежи спорт манежи уч кун мобайнида спортчилар ва мухлислар билан гавжум бўлди. Ташқарида қиш нафаси уфуриб, совуқ этни жунжиктириб турганда, спорт залида худди ёздагидек мусобақалашишнинг гашти бўлакча-да !

Спортнинг волейбол, стол тенниси, енгил атлетика ҳамда миллий спорт ўйинларидан саналмиш кураш, тош кўтариш, арқон тортиш каби турлари бўйича ўтказилган баҳсларда ҳеч ким бўш келишни истамади. Республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 300 нафардан зиёд ҳаваскор спортчилар ғолиблик учун астойдил куч синашдилар.

Кези келганда, Андижон, Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё вилояти вакиллари анча фаол иштирок этганликларини таъкидлашни истардик.

(Давоми 3-бетда)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси 2005 йил 2 декабр куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 2 декабр куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси бугун ўз ишини бошлайди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган ишларда муҳим аҳамият касб этадиган бир қанча масалалар ҳамда қонунлар муҳокама этилади.***

Ялпи мажлис арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг тўртинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш юзасидан ўтган давр мобайнида қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар ва маълумот учун қабул қилдилар.

(Давоми 2-бетда)

*Ислоҳот мевалари*

***Юртбошимиз Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши муносабати билан Қоровулбозорда бўлганларида кишиларнинг мардлиги ва матонатини алоҳида эътироф этиб, улар бунёд этаётган иншоотлар, экинзорлар, боғ-роғлар ҳали кўплаб авлодларга хизмат қилишини таъкидлаган эдилар. Ислоҳотлар самараси туфайли туманнинг ижтимоий-иқтисодий қудрати ошиб, чўл ерларида етиштирилаётган моддий неъматлар янада кўпайди.***

# САҲРО ҚЎЙНИДА
## бир шода маржон

Қадимий манбаларда қайд этилишича милоддан юз минг йиллар илгари бағри кенг бепоён дала-даштларда Бухоро денгизи ва Бойкадкўл номлари билан аталадиган улкан об-ҳаёт манбаи бўлган. Шимолий қирғоғи Шибурдонота қирликларию Замонбобо адирликлари, жанубдан денгизкўл соҳиллари, шарқий томондан Пойкант-Тайкир қирлари орқали Қарши даштига , ғарбдан Олот текисликлари оша Ўрганжай дашти ва Қизилқумга туташган. Ўтган асрнинг 60-йилларида ҳудудда бир неча газ ва нефт конлари очилиб, илк бор Саталантепа майдонидан «зангори олов» фаввораси отилиб чиқди. Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газ қувури тортилди ва республикамиз пойтахти хонадонларига табиий газ ёқилғиси етиб келди.

Мустақилик шарофати билан 1993 йил 12 январда Бухоро вилояти таркибида Қоровулбозор тумани ташкил этилди. Бу ерда бунёд этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши мамлакатимиз тарихида унутилмас воқеа ҳисобланади.

1993 йил илк бор нефт-газ саноати мутахассислари чўлга келишди. Марказий шаҳарчадан 7 километр ғарбда – Аму-Бухоро каналига яқин, Бухоро-Қарши темирйўли ёнида улкан корхонанинг илк пойдевори қўйилди.

Ҳукуматимизнинг 1993 йил 3 августдаги қарорига асосан республикани нефт маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилувчи завод қурилишига киришилди. Салкам 300 гектар майдонни эгаллаган қўриқ ерда нефтчилар учун кўркам посёлка, уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар қуришга киришилди.

1997 йил 22 август нафақат бухороликлар тарихида, балки мустақил Ўзбекистон ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади. Хорижий давлатларнинг фирмалари иштирокида саҳро қўйнида тараққиётнинг янги намунаси – замонавий технология асосида жиҳозланган нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилди. Кўкдумалоқ конларидан олинадиган газ конденсати тайёр маҳсулотга айлантирилиб, истеъмолчиларга етказиб берила бошлайди. Маҳсулотларнинг асосий қисмини 76 ва 93 октанли этилсиз бензин, авиакеросин, дизел ва қозонхона ёқилғиси, суюлтирилган газ, пропан ва олтингугурт ташкил этади. Вилоятда солиқ тушумининг деярли тенг ярми мазкур завод улушига тўғри келади.

Корхона 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни хорижга экспорт қилди. Завод ҳомийлигида Қоровулбозорда йигит-қизларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун ёшлар маркази барпо этилди.

Туман ҳудуди 2,2 минг квадрат километрдан иборат. Аҳолиси 13 мингга яқин. Бу ерда Тинчлик, Чўлқувар, Ал-Бухорий номли маҳаллалар, Навбаҳор, Бўзачи, Жарқоқ фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаяпти. Уларда 20 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Мактаблар ва болалар боғчаларида порлоқ келажагимиз эгалари камол топмоқда.

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳро ерлари катта бунёдкорлик майдонига айланган. Мўъжизакор инсонлар меҳнати чўлга ҳаёт бағишлади. Шарқдан Қашқадарё вилоятининг Муборак, жанубдан Олот, ғарбдан Бухоро, шимолдан Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани билан чегарадош туманда қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланиб бораяпти.

Инсонга ризқ-рўз, насиба улашадиган, барча бойликларнинг асоси, тириклик манбаи ҳисобланган она заминга чўлқуварлар илк бор қадам босганига 25 йилдан ошди. Бугунги ютуқлардан дил қувонади. Қоровулбозорликлар республикада биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома режасини ошириб бажардилар.

(Давоми 2-бетда)

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
## *ҚАРОРИ*
# Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда тежалган бюджет маблағлари.

4. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидаги икки мустақил манба сифатида:

тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш учун;

муассасанинг моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш учун сарфланади.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун ҳар бир тиббиёт муассасасида тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ва касаба уюшмаси вакилларининг иштирокида махсус комиссиялар тузилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги Тиббиёт муассасасини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни, шунингдек тиббиёт муассасалари тўртта (I-IV) гуруҳининг ҳар бири учун Жамғарма харажатлари манбаларининг иккала йўналишлари ўртасидаги фоиз нисбатларини қўшма қарор билан тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тиббиёт ходимлари меҳнат ҳақини такомиллаштиришга оид чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан уларнинг иш ҳақи келгуси йилда барча ҳақ тўлаш манбалари ҳисобига (ҳар йилги индексациялар бу ҳисобга кирмайди) 1,3 баравар оширилиши тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йилги Давлат бюджети доирасида давлат муассасалари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш билан боғлиқ харажатлар ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўз мажлисида давлат муассасалари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг барча гуруҳлари (I-IV) бўйича иш стажи учун устама ҳақ тўлашни назарда тутган ҳолда, тиббиёт ходимларининг айрим тоифаларига устама ва қўшимча ҳақ белгилашга оид амалдаги норматив ҳужжатлар қайта тасдиқланишини кўзда тутувчи, Давлат муассасалари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда ўз мажлисларида муҳокама қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 1 декабр

# МАКТАБ ҚОШИДА ЦЕХ

***Хатирчи туманидаги 11-ўрта мактаб директори Ш.Ўринов тадбиркор раҳбарлардан. Бир неча йил ичида Ширинбой ака ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўқув маскани қошида аввал оҳак, кейинчалик тикувчилик цехларини ташкил этди. Қарабсизки, мактаб эҳтиёжидан ташқари оҳакни аҳолига арзон нархларда сотиш имконияти пайдо бўлди. Тикувчилик цехига раҳбарлик қилаётган мураббий А.Жалилованинг маҳорати туфайли ўқувчилар кийим-кечак тикиш ва зардўзлик санъати сирларини ўргана бошладилар.***

### *Тадбиркорлик - давр талаби*

Цехда тикилган ўқувчилар формалари бежирим ва чиройлилиги билан ҳаммага манзур бўлмоқда. Бугунги кунда мазкур цех маҳсулотлари сотиш учун бозорга ҳам чиқарилмоқда. Айниқса, ҳududдаги фермерлар буюртмасига кўра тикилаётган кийим-бошлар ва пахта учун қоп ҳамда фартуклар сифати тобора ошаётир.

— Маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилган ўқув муассаларимиз сафи кундан-кунга кўпаймоқда, - дейди туман ҳокими ўринбосари И.Маҳмудов. - А.Ҳалимов номли ширкат хўжалигида жойлашган 18-ўрта мактабда ёғочни қайта ишлаш цехи яқинда ишга туширилди. Энди бу ерда арзон нархда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш имконияти янада ошди. Савдо нуқталари сони эса олтитага етди. Сармоядан тушган маблағлар асосан таъмирлаш ишларига ва китоблар ҳамда дарсликлар фондини бойитишга йўналтирилмоқда.

Туман мактабларида шу тариқа сармоядан ташқари маблағ топиш имкониятлари кенгайтирилаётир. Тушаётган маблағларнинг бир қисмини кам таъминланган оилалар фарзандларига беғараз ёрдам уюштириш, аълочи ўқувчиларга мукофот ва стипендиялар ташкил этишга сарфлаш одат тусига кирмоқда. Бундан ташқари ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида илм даргоҳларида касб ва ҳунар сирларини эгаллаётирлар. Миллий қадриятларимиз ҳамда анъаналаримиз тикланаётир. Бу эса ўз навбатида ёш авлод қалбида юртга ва меҳнатга муҳаббат, Ватанга садоқатни тарбиялашда муҳим омил бўлаётир.

**Б.САДРИДДИНОВ,**
**Навоий вилояти**

(Боши 1-бетда)

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Қўмиталарнинг раислари қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар юзасидан хулосалар, тўртинчи ялпи мажлисда кўриб чиқиш мўлжалланаётган бошқа ҳужжатлар тайёр эканлиги тўғрисида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Сенат ялпи мажлисининг кун тартиби ишлаб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг мажлислари ҳам бўлиб ўтди. Мазкур қўмиталарнинг раислари И.Собиров, Э.Воҳидов ва Ғ.Алиевлар томонидан олиб борилган мажлисларда Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳаси кўриб чиқилди.

Сенаторлар тўртинчи ялпи мажлиснинг кун тартибига киритиш мўлжалланаётган масалаларни ҳам муҳокама этдилар, ўз фаолиятлари якунларини ҳамда жорий йилги тадбирлар режаси ижросини таҳлил қилдилар.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмиталар тегишли қарорлар қабул қилдилар.

**(ЎзА)**



Йилни барча соҳаларда муваффақиятли якунлаётган Поп тумани деҳқонлари келгуси йил ҳосилига ҳам мустаҳкам замин яратмоқдалар. Кузги шудгорлаш режасига киритилган 13,5 минг гектар майдонда бу муҳим агротехник тадбир ниҳоясига етказилмоқда. Айниқса, мавжуд 19 та «Магнум» русумли ҳайдов тракторларидан оқилона фойдаланилмоқда. Мансуржон Мамадиев, Раҳимжон Назаров, Нозимжон Абдураҳимов, Азамат Камолов, Шуҳрат Асқаров, Кўрчи Йўлчиев каби моҳир механизаторлар кунига 15-16 гектардан майдонда ҳайдов ўтказишяпти.

Таъмирчи-усталарнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Зарур эҳтиёт қисмлар вилоят машина-трактор парки акциядорлик бирлашмаси ҳамда туман МТП ҳиссадорлик жамият қошидаги устахона томонидан етказиб берилмоқда.

***Суратда: Поп туманидаги машина-трактор парки ҳайдовчиси Аброр Мавлонов.***

**Ҳ.МАМАДАЛИЕВ**
**(ЎзА) олган сурат**

# ИЖРО ИНТИЗОМИ
## бузилган жойда...

***3-Автокорхона Андижон шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Техника парки биноидек. Ўнлаб юк машиналари ва бошқа транспорт воситалари кеча-кундуз хизматда. Мижозлар ҳам етарли. Шаҳардаги юзга яқин катта-кичик буюртмачи ташкилотларга шартнома асосида транспорт хизмати кўрсатилмоқда.***

Шартнома томонларнинг ҳуқуқий мажбурияти. Буюртмачи ҳамда хўжалик юритувчи аҳдларидан чекинмасалар, белгиланган шартларга нисбатан бирдек масъул бўлсалар, карвоннинг юки ерда қолмайди. Маош, нафақа ва унга тенглаштирилган ижтимоий тўловларда узилиш сезилмайди.

Аммо автокорхонада тўлов интизоми издан чиққан. Ишловчиларнинг қўлига ойлик маошлари ўз вақтида тегмаслиги сурункали тус олганди. Ҳайдовчилар, созловчилар, маъмурий аппарат ходимлари қонуний иш ҳақларини талаб қилишарди. Сабаб, меҳнат шартномаларидаги ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига доир бандларнинг ижроси «қоғозда» қолаётганди.

Меҳнат шартномалари ижросининг ўзибўларчиликка ташлаб қўйилиши, шахсларнинг ҳаракатсизлиги рўй берганда, уларни жиноий жавобгарликкача тортиш каби ҳуқуқий таъсир тадбирлари кўриш зарурлиги қайд этилган. Шаҳардаги «Темирбетон буюмлари» кичик корхонасида ўтказилган режали текширишда на маъмурият, на касаба уюшма ташкилотининг Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича таъсирчан чоралар кўрмаганлиги аниқланди. Афсуски, касаба уюшма ташкилоти корхонада меҳнат муносабатларининг йўлга қўйилиши, хусусан, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича маъмуриятга ҳатто огоҳлантириш хати билан чиқмаган. Бундай ҳолатда касаба уюшмасининг жамоадаги ўрни ва нуфузи ҳақида гапириш ортиқча.

Текширувда 2005 йилнинг 1 январ ҳолатига корхонада 428 миллион 871 минг сўмлик муддати ўтган

Корхонада 69 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашда қонун нормалари талаблари мунтазам равишда бузилаётганлиги юзага чиқди. Айниқса, ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси ёмон ташкил қилинган. Чунки, касаба уюшма ташкилоти маъмуриятнинг дастёрига айланиб қолган. Оқибатда ходимлар иш ҳақларини вақтида ололмаяптилар. Устига-устак зарарли шароитларда ишловчиларни парҳез таомлар билан таъминлаш, махсус кийим-бош, пойафзал етказиб бериш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Масалан, 16 йилдан буён корхонада меҳнат қилиб келаётган Оқибатхон Сидиқова 2005 йил январидан май ойигача бўлган 87 минг 103 сўмлик иш ҳақини ололмай хуноб. Ҳосилот лавозимида ишлаётган Нозимахон Ғофурова, ҳуқуқшунос Гулчеҳрахон Назаровалар конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари чекланаётганлиги, яъни иш ҳақларидан қарздорлик юзага келганлиги тўғрисида мутасаддиларга шикоят йўллаганлар. Бироқ, қонуний талаблар оқибатсиз қолдирилган. Меҳнат шартномаларида ойлик маошларнинг узлуксиз берилиши тўғрисида иш берувчининг махсус мажбуриятлари бўлишига қарамай, маъмурият ижро интизомини қўпол равишда бузиб келган.

### *Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

иш ҳақидан қарздорлик ишчилар эътирозига сабаб бўлди. Ниҳоят ҳайдовчилар ойлик маошларининг ундирилишини талаб қилишиб, шаҳар прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлдилар.

Текширишларни мувофиқлаштирувчи назорат органларининг рухсати билан Андижон шаҳар прокуратураси ходимлари иш ҳақларидан бўлган қарздорликни аниқлаш юзасидан тафтишни бошлаб юборишди. Текширишга Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартда қабул қилинган иш ҳақларини ўз вақтида тўланиши ҳақидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижроси асос қилиб олинди. Тафтиш жараёнида меҳнат қонунчилиги талаблари қўпол равишда бузилганлиги, 2004 йил ноябр, декабр ойларидан буён маошдан қарздорлик 1 миллион 160 минг сўмга кўпайганлиги ойдинлашди.

Шу кунларда корхона мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноий иш бўйича суриштирув ишлари кетяпти. Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарорида иш ҳақидан қарздорлик қопланмаганда, жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари, маъмурият билан ҳамкорликда зарур чоралар кўришлари, мансабдор дебиторлик, 3 миллион 13 минг сўмлик кредиторлик қарзлар мавжудлиги исботланди. Бу шартнома мажбуриятларининг барбод бўлаётганлиги, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ўта сифатсизлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг омборларда туриб қолаётганлиги, харидорларнинг ҳамкорлардан кўнгли совиётганлиги билан изоҳланди. Дебитор ҳақларни ундиришга қаратилган даъво аризаси билан хўжалик судларига мурожаат қилмаганлиги, корхонада иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитасининг томошабинлик қилаётганлиги, хўжакўрсинга фаолият юритаётганлигини тасдиқлади.

Супра ана шундай қуруқ бўлгач, иш ҳақлари тўловларига ким кафил бўла олади. Ўтказилган мулоқотларда ишчилар меҳнат муносабатларидаги қонунбузилишлар 2003 йилдан бошлангани, бир миллион сўмга яқин иш ҳақини ололмаганликларини рўй-рост айтдилар. Мансабдор мутасаддиларнинг ҳаракатсизлиги прокуратура эътиборидан четда қолмади. Ўзбекистон ЖКнинг 208-моддаси билан улар устидан жиноий иш қўзғатилди.

«Наслли ипакчилик» корхонасида текширишларни мувофиқлаштирувчи назорат идораларининг рухсати билан ўтказилган прокурор тафтиши изсиз кетмади.

Меҳнат қонунчилигига риоя этиш бўйича прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Иш ҳақлари тўловларидаги ҳуқуқбузарликлари учун корхона раҳбари ҳамда бош ҳисобчи маъмурий жавобгарликка тортилди.

Меҳнат Кодексида иш ҳақининг кечикишидан бой берилган фойдани қоплаш кўзда тутилган. Ишчиларнинг манфаатлари кўзланган ҳолда фуқаролик судига 69 та даъво аризаси киритилди. «Бинокорлик», Бобур номли Андижон ипгазлама ҳиссадорлик жамиятларидаги ойлик маошдан қарздорликни тугатиш тўғрисида прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. Хусусан, Бобур номли ипгазлама ҳиссадорлик жамиятидаги назорат тартибидаги текширувларда 293 миллион сўмлик иш ҳақи ундирилиб, ишчиларга тарқатилди.

**О.ХОШИМОВ,**
**Андижон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

(Боши 1-бетда)

### *Ислоҳот мевалари*

# САҲРО ҚЎЙИНИДА
## бир шода маржон

Бутун қалб қўри, кўз нури, куч-қуввати ва меҳр-муҳаббатини заминни гуллатишга бағишлаган юзлаб, меҳридарё деҳқонлар кимсасиз чўлда ноз-неъмат яратмоқдалар. Қашқадарёдан қадимий воҳага ўтадиган йўлнинг ўнг томонида Муборак тумани билан чегарадош ҳудудда яшнаб турган катта боғ ана шундай фидойи меҳнат самараси. Айни пайтда бундай мевазор боғларни туманнинг ҳар бир хўжалигида кўриш мумкин. 219 минг 580 гектарлик бепоён ҳудудда ғаллазору пахтазорлар, мевазор боғ-роғлар қулф урган.

Туман давлатга пахта сотиш режасини охирги марта 1994 йилда бажарган эди. Йиллар ўтиши билан агросаноат мажмуида туб иқтисодий ўзгаришлар рўй берди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув, техника, маъданли ўғитлар етказиб бериш, энг муҳими соҳада ишлайдиган кадрларни танлаш ва тарбиялаш ижобий натижа берди. Қабул масканларига 11 минг тоннадан ортиқ пахта топширилиб, ўн йилдан сўнг яна зафар марраси эгалланди.

Жорий йил бошидан барча ширкатлар тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари тузилган эди. Ялпи пахта хирмонини яратишни зиммасига олган 277 та фермер 3 та қишлоқ фуқаролар йиғини атрофига уюшган. Иқтисодий ислоҳотлар дадиллик билан амалга оширилаётганлиги, фермерликка ойдин йўл очилганлиги муваффақиятларнинг бош омили бўлди.

Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони фермерларнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш, уларга узоқ муддатли ижарага берилган ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратди. Ернинг ҳақиқий эгаси – қишлоқ мулкдорлари меҳнатидан манфаат топиб, ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи кучга айланди.

Деҳқон фарзанди Самад Рустамов 15 йил тракторчи бўлиб ишлади. Пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилди. 2005 йилнинг бошида «Аҳмад Саид замини» фермер хўжалиги тузиб, 35 гектар майдонга уруғ қадади. Олти кишидан иборат жамоа барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатли адо этиб, пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини 200 фоизга бажарди. Ялпи даромад 30 миллион, соф фойда 10 миллион сўмдан ошди. Моддий манфаатдорлик ортди. Теримчиларга 4 миллион сўм нақд пул тарқатилди.

«Алишер Сатторов» фермер хўжалиги пахта тайёрлаш шартнома режасини 248 фоизга етказди. «Манзилахон Чандир» фермер хўжалигида етиштирилган ҳосил тўлиқ машиналар ёрдамида йиғиштириб олиниб, сарф-харажатлар икки баравар камайди.

Деҳқонларга катта эркинлик берилди. Давлатга 210 тоннадан ортиқ пахта топшириб, пахтачиликнинг ўзидан 63 миллион сўм даромад олдик. Ғаллачилик билан ҳам шуғулланамиз. 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан хирмон кўтариб, давлат режасини бажарганимиздан сўнг ихтиёримизда 150 тонна дон қолди. Ортиқча маҳсулот хўжалик аъзоларига тарқатиб берилди. Яқинда лизинг асосида 90 миллион сўмга «МХ-140» русумли ҳайдов трактори харид қилдик.

Тумандаги «Зайни бобо», «Раҳмат Барака», «Достонбек Исматов», «Дўстлик», «Жаҳонгир эшон», «Эминов Муроd» каби фермер хўжаликлари аъзолари ўзлари ишлаб топган даромаддан янги техника, енгил машина, уй-рўзғор буюмлари сотиб олиб, тўй-томошалар ўтказишаяпти. Туманда пахтачиликдан олинган даромад 3 миллиард сўмдан ошиб кетди. Кузги ғалла экиш вилоятда биринчилар қаторида ниҳоясига етказилди.

Қоровулбозор кенгликлари... Бир томондан нефтни қайта ишлаш заводининг улкан миноралари олисдан кўзга ташланади. Йирик корхонанинг яқинида қад кўтарган ўн минг киши яшайдиган, замонавий меъморчилик андозалари асосида қурилган нефтчилар қўрғони саҳро қўйнига маржондек ярашиб тушган. Ер ости хазинасини очаётган нефт-газ қидирув ва бурғулаш корхоналари, қурилиш бошқармалари ва бошқа маданий-маиший иншоотлар туман чиройига-чирой қўшиб турибди. Эл дастурхонига маъмурчилик ва тўкинчилик бағишлаётган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари кузги-қишки дала ишларини авж олдириб юборишган.

**Қ.ҚОЗОҚОВ,**
**Қоровулбозор туманидаги «Раҳим бобо» фермер хўжалиги раҳбари**

## ИШ ЎРИНЛАРИ

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл берилиб, мулкчиликнинг янги йўналишида фаолият кўрсатаётган соҳа вакилларига ҳукуматимиз томонидан зарур, қулай шарт-шароитлар яратиб беріляпти. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган қарори фермерларга ёрдам кўрсатиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Андижон ёғ-мой очиқ акциядорлик жамияти томонидан ана шу қарор ижросини таъминлаш бўйича 6 та туманда жами 14 та шахобча ташкил этилди.

Дарҳақиқат, авваллари вилоятдаги фермер ва ширкат хўжалиги раҳбарлари ўзларининг маҳсулотини олиш учун вақт ва маблағ сарфлаб, вилоят марказига қатнашарди. Янги ташкил этилган шахобчалар фаолияти йўлга қўйилгандан кейин эса бундай ортиқча оворагарчиликка ўрин қолмади. Айниқса, вилоятнинг чекка – Улуғнор туманидаги фермерларга яратилган бу қулайлик айни муддао бўлди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, шахобчаларнинг ташкил этилиши натижасида қўшимча 58 та янги иш ўринлари юзага келди. Жамиятда ишлаётган 28 нафар ходим ҳам бунга жалб этилди. Уларда ҳаммаси бўлиб 86 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Меҳнат муҳофазаси*

# ҲОДИСАНИНГ САБАБЧИСИ КИМ?

***«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилганидек, корхоналарнинг иш жараёнида шикастланиш ва касбий касалликларни камайтириш ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, меҳнат муҳофазаси бўлими раҳбарият ва касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Юз берадиган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса учун биринчи раҳбар ва бош муҳандис бевосита жавобгар ҳисобланади.***

Тонгда туриб ишга отланган Баҳромжоннинг негадир эрталабдан кўнгли ғаш эди. Субҳидам ҳавосидан кўксини тўлдириб нафас олар экан, ширин уйқуда ётган болаларини беозоргина эркалаб, юзларини силаб қўйди. Умр йўлдоши билан хайр-хўшлашиб, одатдагидек иш жойига отланди.

Ҳамкасби Шаҳзода Тоштемирова билан насосларни ҳаракатга келтирганларида қувурдан чиқаётган бадбўй ҳиддан кўнгиллари айниб, ҳушларини йўқотишди. Жорий йилнинг 11 сентябр куни «Саноат энергияси» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли канализация насос станцияси резервларидан чиқинди сувларини Қарши шаҳар марказий коллекторига ҳайдаш вақтида навбатчи машинистлар Баҳром Сафаров, Шаҳзода Тоштемирова бахтсиз ҳодисага учрадилар. Водород сульфид газидан заҳарланиш туфайли Б.Сафаров оламдан ўтди, Ш.Тоштемирова эса оғир жароҳат олди.

Насос станцияси 32 йилдан буён 1-темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш, «Ёғочни қайта ишлаш» ва «Йирик фанелли уйсозлик» корхоналарининг сув оқава чиқиндиларини марказий коллекторга ҳайдаш учун хизмат қилади. Водород сульфид газининг канализацияда пайдо бўлишига 2004 йил охирларида ишга туширилган «Топаз-Анзур» қўшма корхонасига қарашли қайта ишлаш цехининг давлат қабул комиссиясидан ўтказилмасдан фойдаланишга топширилиши, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари бажарилмаганлиги ва пиёз цехи чиқиндиларининг дастлабки босқичда тозаланмасдан канализацияга оқизилганлиги сабаб бўлган.

Тўғри ташкил этилган меҳнат кишининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига олиб келади. Ишлаб чиқариш жараёнида ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги устувор вазифа ҳисобланади. Бироқ Қашқадарё вилоятининг айрим корхона ва ташкилотлари раҳбарлари орасида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва улар учун хавфсиз шароит яратиш талабларига риоя этмаслик, жамоа аъзоларининг саломатлиги ҳақида жиддий қайғурмаслик ҳолатлари кузатилаяпти.

Баъзи иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазаси учун белгиланган маблағ ажратилмаганлиги, саноат санитария-гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига амал қилинмаганлиги, ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланмаганлиги, умумий ва шахсий ҳимоя воситаларисиз ишлатилиши, улар техника хавфсизлиги йўриқномаларидан ўтказилмаганлиги натижасида бахтсиз ҳодисалар рўй бериб, айрим оилалар боқувчисини йўқотган ва бир неча ишчилар эса ногирон бўлиб қолишган.

Ўтган даврда ишлаб чиқаришда содир этилган 40 та бахтсиз ҳодиса ҳисобга олинган. Ундан 16 таси ўлим билан якунланган, 22 тасининг оқибати оғир бўлиб, кишилар соғлигига жиддий зарар етган. Ўтказилган мониторинглар натижасида корхона ва ташкилотларда 938 та меҳнат қонунчилиги ва техника хавфсизлиги қоида ва меъёрлари бузилиши аниқланди.

Йирик жамоа «Вилоят пахтасаноат уюшмаси» тизимидаги корхоналарда меҳнат муҳофазаси тўғри қўйилмаган. «Чироқчи пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамияти ишчиси Ф.Бегматов, «Бешкент пахта тозалаш» корхонасидан Д.Самадова, И.Абдураҳмонова, «Косон пахта тозалаш» заводидан Ж.Йўлдошев, «Ғузор пахта тозалаш» заводи линтерчиси Г.Рўзиев, «Нишон пахта тозалаш» заводи чилангари Д.Назаровлар билан содир бўлган бахтсиз ҳодисалар раҳбарият ва бирлашган касаба уюшма ташкилотининг меҳнат муҳофазаси меъёрларига эътиборсизлик билан қараб келаётганлигини кўрсатиб турибди.

«Қаршиёғэкстракция» очиқ ҳиссадорлик жамияти ишчиси А.Усмонов, Қамаши туманидаги «Бойбучахон» хўжалиги ходими Ш.Чоршанбиев, «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг Кўкдумалоқ кони ҳудудида жойлашган қозонхона оператори Х.Вафоев, Яккабоғ машина-трактор паркига қарашли комбайн оператори Б.Тўраев, «Қашқадарё технология транспорт» очиқ ҳиссадорлик жамиятидан Д.Раҳматовлар ҳали ўн гулидан бир гули очилмасдан, бевақт ҳаётдан кўз юмдилар.

«Касални даволагандан кўра, олдини олган маъқул» дейишади. Бахтсиз ҳодисани вақтида, тўғри ўрганиш ва ҳисобга олиш, сабабларини пухта таҳлил қилиш ва бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун бутун жавобгарлик корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари зиммасига юклатилган. Ҳодиса содир бўлганида «Н-I» шаклида далолатнома тузиб, уни 3 кун ичида тегишли ташкилотларга етказиш керак. Аммо, ўтказилган мониторинглар давомида мутасаддилар томонидан 14 та бундай ҳодисалар яширилганлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштирилди. 72 та корхона ва ташкилотда аниқланган 383 та камчиликларни бартараф этиш бўйича раҳбарларга тақдимномалар киритилди.

Меҳнат қонунчилиги қоида ва меъёрларини бузганлари учун 65 та мансабдор шахсларга маъмурий, 6 нафарига интизомий жазо чоралари қўлланилди. 59 нафарига 1 миллион 269 минг сўм жарима солинди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидан маълум қилишларича, хўжалик юритиш ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотларда, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларининг бажарилиши қатъий назоратга олинган. Лекин зиммасига юклатилган вазифасини чуқур ҳис этмаган айрим иш берувчиларнинг лоқайдлиги ва бепарволиги туфайли кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлаётгани сир эмас.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшмалари тадбири*

# «САЛОМАТЛИК» РЕСПУБЛИКА СПАРТАКИАДАСИ

## зўр уюшқоқлик, жўшқинлик ва қизғин баҳслар остида ўтди




**Ғолиб ва совриндорлар:**

1-ўрин— Тошкент вилояти



2-ўрин— Андижон вилояти



3-ўрин— Сурхондарё вилояти

## ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

(Боши 1-бетда)

-Мусобақалар дастуридан оилавий спорт мусобақаларининг ўрин олгани ота-она ва фарзанднинг бир жамоа бўлиб, якдил ҳаракат қилишга интилишини таъминлайди, - дейди Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Рўзи Ўтаев. - Фарзандлар кўпинча ота-онасидан ибрат оладилар. Яна бир гап. Курашимиз бугун жаҳонга чиқди. Спартакиада дастуридан курашнинг жой олгани ҳам қувонарли бўлди. Полвонларнинг чиройли олишувлари кўпчиликни мамнун этди. Бундай мусобақаларнинг ўтказилиши меҳнаткашларни спорт билан кенг шуғулланишга ундаши билан бирга, уларнинг саломатликларини ҳам мустаҳкамлайди.

Жисмоний тарбия ва спорт саломатлик гаровидир. Буни мусобақаларда иштирокчилар кўп бор таъкидлашди.

- Дадам ва онам билан мусобақаларда қатнашганимдан жуда хурсандман, - дейди мактаб ўқувчиси Бахтиёр Ҳасанов. - Энди спорт ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланади. Қизиқарли беллашувлар, ўз маҳоратини намойиш этишга бўлган интилиш, баъзи қатнашчиларнинг юксак маҳорати, эпчиллиги барча қатори мени ҳам лол қолдирди. Дўстлар орттирдим. Энг муҳими, ажойиб тарзда ўтган спорт байрами кўпдан-кўп ёшлар қалбида ўчмас из қолдирди. Демак, оммавийлик ва маҳорат сари муҳим қадам ташланди.

Спартакиада ўтказиш, унда кўзланган мақсадга эришиш осонмас. Бунинг учун ташкилотчилар узоқ вақт тайёргарлик кўрадилар, тинмай изланадилар. Беллашувлар зўр уюшқоқлик, жўшқинлик ва қизғин баҳслар остида ўтишини таъминлаш учун жонбозлик кўрсатадилар. Мана, бу галги спартакиадага ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлиги ўзининг кутилган самарасини берди. Бундан барча бирдек манфаатдор бўлди.

Қизиқарли курашларга бой бўлган Спартакиада ўйинларида умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Фаоллиги билан ажралиб турган Андижон вилояти вакиллари кейинги ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин Сурхондарё вилояти вакилларига насиб этди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида ғолиб ва совриндорлар муносиб равишда тақдирланишди.






### *Дил сўзлари*

### ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

**Эрик ХАСАНОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Жисмоний тарбия ва спорт жамияти бош мутахассиси:**

– Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган меҳнаткашлар ўртасидаги "Саломатлик" Республика спартакиадаси Ватанимизда спортни янада ривожлантириш, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, бу орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилгандир.

Бу йилги спартакиадада миллий спорт турларини тарғиб этишга алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, мусобақалар таркибига миллий ва қадимий спорт турларидан бири бўлган кураш беллашувлари киритилди. Спартакиада мусобақаларига "Алпомиш" ва "Барчиной" тест синовлари асос қилиб олинган. Чунки бу инсоннинг жисмоний шаклланиши, руҳий тетиклашувига хизмат қилади. Спартакиаданинг яна бир муҳим жиҳати — аёлларни спортга кенг жалб этишга катта эътибор берилди.

Спартакиададан ўрин олган спортнинг 7 тури бўйича мусобақаларни одил баҳолаб бориш учун Республика тоифасидаги ҳакамлар таклиф этилди. Бу эса беллашувлар ўта кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтишини таъминлади.

### СИЗ БУНГА ҚОДИРСИЗ

**Одил ҲАСАНОВ, Сурхондарё вилояти**

- Халқимизда "қуш уясида кўрганини қилади" дейишади. Бор гап. Биз турмуш ўртоғим билан спортга ошно қилиш орқали фарзандларимизни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашга аҳд қилганмиз. Уларга ўрнак бўлиш, бўш вақтларини мароқли ўтказиш, турли оқимларга қириб кетмаслигининг олдини олишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Шу маънода спорт -оиламизнинг дўстидир.

Спорт мусобақаларида мунтазам қатнашамиз. Бу галги мусобақалар жуда қизиқарли кечди. Бизнинг оила мусобақаларда фахрли учинчи ўринни эгаллади. Албатта, бу ғалаба бизга аъло кайфият ва кўтаринкилик бахш этди.





### БАРЧА БИРДЕК МАНФААТДОР

**Умида ЭРКАБОЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани 4-поликлиника ҳамшираси**

- Биз соғлиқни сақлаш ходимлари жисмоний тарбия ва спортнинг инсон саломатлиги учун нақадар фойдали эканлигини бошқалардан кўра яхшироқ тушунамиз. Спорт ўйинлари кишини бақувват қилиш ва чиниқтириш вазифасини ўтайди.

Айниқса, аёллар спортини ривожлантириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бераётганидан хурсандман. Зеро, аёлга эътибор - келажакка қўйилган пухта пойдевордир.

Ушбу спартакиадада қатнашиб, биринчидан янги дўстлар орттирган бўлсам, иккинчидан спорт ўйинларидан завқ олдим.

Биз бу мусобақаларда битта шиорга амал қилдиқ, яъни "асосийси ғалаба қозониш эмас, спорт тадбирида фаол қатнашишдир". Қорақалпоғистонлик волейболчи қизлар жамоаси сафида имкон қадар чиройли ўйинлар кўрсатишга ҳаракат қилдим. Бир сўз билан айтганда, спорт ҳаёт тарзимнинг ажралмас қисмига айланди.

### АЪЛО ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

**Нигора НУРИДДИНОВА, Андижон вилояти жамоаси вакили:**

— Мен Балиқчи туманидаги 8-мактабда дарс бераман. Касаба уюшмаларининг Республика спартакиадасида қатнашаётганимдан бениҳоя мамнунман. Шу ўринда спартакиада иштирокчиларини кутиб олиш, уларни жойлаштириш, шунингдек, машқлар ўтказиш учун шароитлар аъло даражада ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.



Вилоятимиз жамоаси спортнинг барча турлари бўйича яхши натижаларга эришдилар. Айниқса, бизнинг аёллар волейбол жамоаси ўйинларда жуда қизиқарли ва мураккаб комбинацияларни намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Бу бежиз эмас. Меҳнат жамоамизда спорт билан шуғулланишга етарли шарт-шароитлар яратилган. Спорт формалари ҳам касаба уюшма қўмитаси томонидан олиб берилган бўлиб, нафақат мактабимиз ўқувчилари, балки ўқитувчилар ҳам ишдан сўнг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун имкониятлар етарли. Бу вилоятимизда спортнинг оммавийлигини оширишга берилаётган эътибор намунасидир. Шу боис вилоятимиз жамоаси совринли ўринларни қўлга киритди.

Аммо биз учун муҳими ғалаба эмас. Энг муҳими, турли вилоятлардан келган бошқа соҳа ходимларидан ҳам дўстлар орттирганимиз, ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашганимиз, жисмонан ва руҳан тетиклашиб, қалбимизда унутилмас таассуротлар қолганидир.

### СПОРТ БИЛАН ОШНО БЎЛИБ

**Гулсара ҒАФФОРОВА, Бухоро вилояти жамоаси вакили**

– Шофиркон туманидаги "Ўзбекистон" фермер хўжалигида меҳнат қилиш билан бирга доимий равишда спорт билан шуғулланишга ҳаракат қиламан. Чунки бу саломатлик учун фойдали бўлиши билан бирга фарзандларимизни тўғри ва соғлом тарбиялашда ҳам асқотади.

Қишлоқ жойларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга шароит яратилишида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор айни муддао бўлмоқда. Қолаверса, касаба уюшмалари ҳам меҳнат жамоаларида ишдан сўнг, бўш вақтларда спорт орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб



этишга алоҳида эътибор қаратмоқда, турли спорт тадбирлари ўтказишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Мазкур спартакиадада иштирок этишга муваффақ бўлишимизда вилоят касаба уюшма ташкилотларининг ўзига хос ўрни бор. Ушбу жамоат ташкилоти томонидан доимий равишда биз меҳнаткашлар ўртасида турли спорт тадбирлари ташкил этиб, унга ёшлар, аёлларни жалб этилиши ўз самарасини бермоқда.

### УНУМДОРЛИК ОРТАДИ

**Лола МЎМИНОВА, Ангрендаги "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик жамияти ходими**

– Вилоятимиз вакилларининг шоҳсупадан ўрин олганлиги барчамизни беҳад қувонтирди. Бу нафақат бизнинг муваффақиятимиз, балки жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланишимизга аъло даражада шароит яратиб келаётган корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, касаба уюшмалари мутасаддиларининг ҳам ютуғидир. Шахсан мен меҳнат қилаётган корхонанинг ўз спорт қўмитаси мавжуд бўлиб, ишчи-ходимларнинг йил давомида вилоят, республика мусобақаларида иштирок этишларига кенг имкониятлар яратилган. Айниқса, тармоқ касаба уюшмаси томонидан ташкил этиб келинаётган тармоқ спартакиадалари, турнирлар, оилавий мусобақалар маҳоратимизни ошириш, натижаларни мустаҳкамлаш билан бирга меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатликни оширишга хизмат қилмоқда.

Меҳнат жамоамизда бошланғич касаба уюшма ташкилоти ва вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг ишдан сўнг меҳнаткашларнинг спорт-соғломлаштирш тадбирлари орқали мазмунли ҳордиғини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари натижасида меҳнат унумдорлиги ҳам ўсиб бормоқда. Соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси бўлмиш спортга ёшларнинг меҳри кундан кунга ортмоқда.

### ҲАВАС ИЛА ЯШАГАНГА НЕ ЕТСИН

**ХОЛБОЗОРОВлар оиласи, Қашқадарё вилояти жамоаси вакиллари**

– Биз спартакиадага оиламиз билан ташриф буюрдик. Ўзим Қарши шаҳридаги 8-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бирга жамоатчилик асосида касаба уюшма қўмитасига етакчилик қилиб келмоқдаман. Мактабимизда ҳамкасбларимиз учун спорт тадбирлари ташкил этиш яхши йўлга қўйилган. Шу боис вилоят миқёсидаги футбол, волейбол, арқон тортиш, стритбол каби мусобақаларда мактабимиз жамоаси фахрли ўринларни эгаллаб келади.

Бугунги тадбирнинг ўзига хос томони шундаки, оилавий мусобақа орқали оила аъзоларимиз ҳам спортга кенг жалб этилмоқда. Бу жуда катта натижа беришига шубҳа йўқ. Чунки, фарзандларнинг ота-она билан биргаликда бир мақсад учун ҳаракат қилиши болаларнинг келгусидаги ҳамжиҳатлиги, кўпчиликнинг ишига бўлган меҳри, Ватанга садоқатини оширади. Биз оиламиз билан шунга амин бўлдикки, йилдан йилга биз эришаётган натижалар яхшиланиб бормоқда. Фаолиятимизда ҳам ижобий ютуқларни қўлга киритмоқдамиз. Асосийси бошқаларнинг ютуқларини кўриб, спортга бўлган ҳавасимиз ортиб бормоқда.











*Саҳифани тайёрлаганлар: М.ЎРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби, А.ЮНУСОВ, И.ҲАСАНОВ «Ишонч» мухбирлари.*

